

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ №10

Андижон шаҳар

“ 26 ” сентябр 2022 й

“LASS FURNITURE FUTURE” МЧЖ номидан Низомга асосан раҳбари М.Комилжонов, кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади, бир томондан ҳамда “ В.В.К.Т.Т.М ” номидан иш юритувчи корхона раҳбари И.Керимов кейинги ўринларда “Олувчи” деб юритилади, иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздилар.

№	Номи	Ўлч. Бир	Миқдори	Нархи (сўм)	Етказиб бериш қиймати	ККС		Жами
						Ставка%	Сумма	
1	Шкаф 5 қанотли (2000x980x450) Материал (ЛДСП)	Дона	33	1 451 383,40	47 895 652,17	15	7 184 347,83	55 080 000
2	Стул (ярим юмшок чарм копламалик)	Дона	223	118 736,60	26 478 260,87	15	3 971 739,13	30 450 000
3	Икки тубали стол (1700x600x750) Материал (ЛДСП)	Дона	13	817 391,30	10 626 086,96	15	1 593 913,04	12 220 000
4	Бир тубали стол (1400x600x750) Материал (ЛДСП)	Дона	30	791 304,35	23 739 130,43	15	3 560 869,57	27 300 000
5	Шкаф 2 қанотли (1800x800x450) Материал (ЛДСП)	Дона	20	1 043 478,26	20 869 565,22	15	3 130 434,78	24 000 000
6	Дори саклаш учун шкаф (1800x800x400) Материал (ЛДСП)	Дона	10	1 156 521,73	11 565 217,39	15	1 734 782,61	13 300 000
7	Ошхона стол стул 1 комплект (950x850x750) Материал (ЛДСП)	Дона	20	1 086 956,52	21 739 130,43	15	3 260 869,57	25 000 000
Жами								187 350 000

II. ШАРТНОМА БАХОСИ.

- 2.1. Шартноманинг умумий баҳоси 187 350 000 (Бир юз саксон етти миллион уч юз эллик минг) сўмни ташкил қилади.
- 2.2. Махсулот “Олувчи” ихтиёрий жўнатилгунга қадар нархлар ўзгарган тақдирда амалдаги нархлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ.

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича олдиндан 30 (Уттиз) фоиз тўлов асосида.
- 3.2. “Олувчи” олинadиган махсулот учун 30 % (Уттиз) фоиз тўловни амалга оширган ва тўловни тасдиқловчи банк ҳужжатларини тақдим этган кундан 24 соат ўтгандан кейин узоғи билан 30 кун ичида шартноманинг 1-бандида кўрсатилган махсулотни олгандан сўнг қолган 70 % (еттимиш фоиз) тўловни 5 (беш) банк иш кунида “Сотувчи” ҳисоб рақамига тушириб беради.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 4.1. “Сотувчи” нинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:
 - шартномада кўрсатилган талабларга риоя этган ҳолда махсулотни “Олувчи” ихтиёрига топшириш;
 - тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот юборилганлиги тўғрисида билдиришнома (хабарнома) олгандан сўнг ушбу махсулотни 10 кун муддат ичида алмаштириб бериши ёки тўловни қайтариши;
- 4.2. “Олувчи” нинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- “Сотувчи”дан қабул қилиб олинган махсулотлар сифатли бўлмаган тақдирда, махсулотни қабул қилиб олган вақтдан бошлаб 12 соат ичида “Сотувчи” ни ёзма равишда огоҳлантириш; (Ушбу муддат ўтгандан кейин эътирозлар қабул қилинмайди ва барча ҳолатлар учун жавобгарлик “Олувчи”нинг зиммасига ўтади)

V. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ УСУЛИ ВА МУДДАТЛАРИ.

5.1. “Олувчи” Шартномадаги махсулот суммасининг 3.1 бандида курсатилган 30% суммани тулагандан сунг “Сотувчи” томонидан узоғи билан 30 кун муддатда “Олувчи” га топширилади.

5.2. “Олувчи” шартномада кўрсатилган тўловни “Сотувчи” томонидан махсулотни етказиб бергандан сунг эса қолган 70% (еттимиш фоиз) суммани 5 (беш) банк иш кун муддатда тўлаб бериш мажбуриятини олади.

5.3 Шартноманинг амал қилиш муддати: “31” декабрь 2022 йилгача

VI. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

6.1. Шартномага риоя қилмаганлик натижасида етказилган зарар айбдор томонидан бошқа тарафга тўла миқдорда тўланади.

6.2. “СОТУВЧИ” махсулотни тўлик етказиб бермаганлиги учун “ОЛУВЧИ” га етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0,4 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

6.3. Мол-мулк учун “Олувчи” шартнома бўйича тўловни ўз вақтига тўламаганлиги учун ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун шартнома суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин ушбу пеня миқдори тўланиши лозим бўлган маблағни 50 фоиздан ошиб кетиши мумкин эмас.

VII. ФОРС-МАЖОР

7.1. Ҳар бир тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Уруш эълон қилиниши бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар вақтида ҳам мажбуриятлар юзасидан тарафлар жавобгар бўлмайди.

7.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кун 3 ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир бирларини ёзма равишда огоҳлантириш, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

8.1. Ушбу шартнома бўйича юзага келган ҳар қандай келишмовчилик ва низолар тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ҳал қилинади. Ушбу келишмовчилик ва низолар бўйича тарафлар ўзаро келишувга келмаган тақдирда низо Ўзбекистон республикаси Иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

IX. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномага ўзгартириш, қўшимчалар киритишга бир тарафнинг хохиши билан амалга оширишга йўл қўйилмайди. Ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ўзаро келишган тақдирдагина амалга киритилади.

9.2. Шартноманинг ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида бир тарафнинг ёзма равишда берилган билдирувига иккинчи тараф 10 кунлик муддат ичида ёзма равишда жавоб қайтармаса, ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар иккинчи тараф томонидан қабул қилинган деб ҳисобланади ҳамла бу қўшимча ва ўзгартиришлар амалга киритилади.

9.3. Шартнома тарафларнинг келишувига асосан шартноманинг амал қилиш муддати тугаши билан шунингдек, шартнома бўйича мажбуриятлар тўла адо этилган тақдирда ҳамла қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда бекор қилинади.

X. БОШҚА ҲОЛАТЛАР.

10.1. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга. Шартнома хар иккала тарафга ҳам бир нусхадан берилади.

ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗАТЛАРИ.

“СОТУВЧИ”

“LASS FURNITURE FUTURE” МЧЖ

Андижон шаҳар, Зарбдор кўча 9-уй

Х.р: 20208000505316871001.

АКБ Инфинбанк Қорақалпоғистон филиали

МФО 011391111. 308001862

Рахбар *М.К. Милжонов*



“СОТИБ ОЛУВЧИ”

VILOYAT BOLALAR KO'P TARMOQLI TIBBIYOT MARKAZI

ANDIJON SHAHAR, FURQAT KO'CHASI, 5-UY

H/R 100021860034017073101054001

STIR: 200 236 887 XXTQT: 91 511

O'ZB. RESP. MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI

H/P 2340 2000 3001 0000 1010

QO'LG'ACHA BANK TOSH.SHAHAR BOSH BOSHQARMASI XKKM

011391111 MFO: 00014



Рахбар

Handwritten signatures and dates: 2020.08.06, 2020.08.06

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Андижон вилоят болалар кўп
тармоқли тиббиёт маркази бош
шифокори



Н.Норматов
2022 йил

Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази
танлов комиссияси **ингилиши**

БАЁНИ №8

“26” 09 2022 йил
Соат 10:00 да

Андижон шаҳар

Раислик қилувчи:
Н.Норматов

- Андижон вилоят болалар кўп
тармоқли тиббиёт марказининг
бош шифокор, ишчи-гуруҳ
раиси

Қатнашдилар:

Танлов комиссияси аъзолари
(Рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ :

Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида аутсорсер хизматларини
ташқил этиш (мебель маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш)
Анд.ш.Фуркат №5 уй Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт
маркази мажлислар зали танлов утказиш вақти 10:00)

(Х.Имомов, А.Мамажонов, И.Муминов, А.Бокиев, С.Камбаров, Ч.Хасанова)

2022 йил 22 сентябрдаги давлат харидлари комиссиясининг электрон
портали орқали шакланган “Мебельлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш
хизмати” баённомасига асосан эълон якунига кура Комиссия аъзолари томонидан
“LASS FURNITURE FUTURE” МЧЖ голиб деб топилганлигини инобатга олиб,
ушбу харид муносабати билан “LASS FURNITURE FUTURE” МЧЖ маъсуллари
уртасида музокаралардан сунг молиявий томондан шартнома тузишга эришилгани
инобатга олинсин.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тугрисида”ги қонуннинг
62- моддаси 3 бандига асосан баённома давлат харидлари электрон тизимида
муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди ва икки иш қуни давомида
давлат харидлари электрон тизимида жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қанда
эътирозлар ёки қушимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул
қилинсин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 22
сентябрдаги баённомасига асосан “LASS FURNITURE FUTURE” МЧЖ қорхонаси
голиб деб топилганлигининг инобатга олиб қорхона қонунчилиққа асосан
шартнома расмийлаштирилсин.

Комиссия аъзолари:

Умумий масалалар бўйича
бош шифокор муовини




Х. Имомов

Хирургия йуналишлари бўйича
бош шифокор муовини



А.Мамажонов

КУҚ раиси



И.Муминов

Хуқуқшунос



С.Қамбаров

Бош ҳисобчи



А.Боқиев

Кадрлар бўлими бошлиғи



Ч.Хасанова